

**Закирова Феруза Махмудовна,**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети "АКТ соҳасида касб таълими" факультети "Ахборот таълим технологиялари" кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

**Делов Тўлқин Эркинович,**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети "АКТ соҳасида касб таълими" факультети "Ахборот таълим технологиялари" кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ

УДК: 378.14:004 ББК 74.58:32.973

---

**ЗАКИРОВА Ф.М., ДЕЛОВ Т.Э. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
СОҲАСИДА КАСБ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН  
ИШЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ**

Ушбу мақола ахборот технологиялари йўналишида иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш методик тизимини ишлаб чиқиш, ҳамда ундан фойдаланиш масаласига бағишланган. Мақола муаллифлари, иқтидорли талабаларни ўқитишда учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф қилишда методик тизимнинг ўрни ва аҳамияти таҳлили натижаларини келтирган.

Таянч сўз ва тушунчалар: иқтидорли талаба, методик тизим, такомиллаштириш, шакл, усул, тамоийил, воситалар, мезонлар, кўрсаткичлар, педагогик шароитлар.

---

**ЗАКИРОВА Ф.М., ДЕЛОВ Т.Э. МЕТОДИЧЕСКАЯ СИСТЕМА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ  
МЕТОДОЛОГИИ РАБОТЫ С ТАЛАНТЛИВЫМИ СТУДЕНТАМИ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ИНФОРМАЦИОННО-  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

Данная статья посвящена разработке методической системы по совершенствованию методики работы с одаренными учащимися в сфере информационных технологий, и ее использованию. Авторы статьи представили результаты анализа проблем, возникающих при обучении одаренных учащихся, и роли и значения методической системы в их устранении.

Ключевые слова и понятия: одаренный студент, методическая система, совершенствование, форма, метод, принцип, средства, критерии, показатели, педагогические условия.

**ZAKIROVA F.M., DELOV T.E. METHODOLOGICAL SYSTEM OF IMPROVING THE METHODOLOGY OF WORKING WITH TALENTED STUDENTS OF VOCATIONAL EDUCATION IN THE FIELD OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES**

This article is devoted to the development of a methodical system for improving the methodology of working with talented students in the field of information technology, and its use. The authors of the article presented the results of the analysis of the problems encountered in teaching gifted students and the role and importance of the methodical system in their elimination.

Key words and concepts: gifted student, methodological system, improvement, form, method, principle, tools, criteria, indicators, pedagogical conditions.

**Кириш.**

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларини аниқлаш касбий билим, малака, кўникма ва шахсий сифатларни шакллантиришга бўлган кўп жиҳатли ёндашувларни кўрсатиб берадиган педагогик-психологик тадқиқотларнинг натижалари, иқтидорли талабаларини аниқлашнинг касбий йўналтирилган методик тизимини яратиш заруриятини юзага келтирадиган, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тайёргарлик доирасида соҳадаги иқтидорли кадрларнинг аниқлаш методикасини такомиллаштиришга бўлган назарий-методологик асослар ва илмий-услубий ёндашувлар етарли даражада эмаслигини кўрсатади<sup>1</sup>.

**Мавзунинг долзарблиги.**

Иқтидорли талабаларни излаш ўқишнинг дастлабки кунларидан ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида амалга оширилади. Барча фанлардан юқори рейтинг кўрсаткичига эришган ва махсус дастур асосида ўқишга хоҳиши бор талабалар махсус (ихтисосликлар бўйича) синовлардан ўтадилар. Махсус синовлардан муваффақиятли ўтган ва ўзларининг хоҳишларига кўра илмий ишлар бажаришга, чет тили, ахборот технологиялари, фундаментал ва махсус фанларни чуқурлаштирилган дастур асосида ўқишга мойиллиги бор талабалар "Иқтидорли талаба" деб тан олинади<sup>2</sup>. Иқтидорли талабалар қуйидаги талабларга жавоб беришлари зарур:

- фанларни юқори даражада ўзлаштириши;
- чет тилларидан бири (бир нечтаси)ни пухта эгаллаши;
- юқори даражадаги компьютер саводхонлигига эга бўлиши;
- соҳа бўйича мустақил фикрлаш, янги фикр ва мулоҳазаларни билдириш, амалда татбиқ этиш хусусиятларига эга бўлиши;
- давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри тушунадиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган, ватанпарвар, баркамол инсон бўлиб шаклланиши.

Иқтидорли талаба ўзининг махсус ўқув ва ижодий ишларини тўла ва белгиланган муддатларда бажариши, ўқишда, ижодий ишларни бажаришда бошқа талабаларга ўрнак бўлиши зарур.

Юқорида келтириб ўтилган жиҳатларни инобатга олиб АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини қараб чиқамиз. АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришнинг методик тизими бошқа йўналиш ва мутахассисликлар каби ўзида жами бешта: мақсадни, ташкилий шакллари, усуллари ва воситалари педагогик шароитлари ва натижавий баҳолаш каби иерархик тарзда ўзаро боғланган қисмларни қамраб олади.

**Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили.**

Методик тизим ўқитишнинг мақсади, вазифаси ва мазмунини белгилаб, ўқув жараёнини режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш, тузатишни ўз ичига олсагина самарали ишлайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Тўраев Ботир Зокирович, «Бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари касбий компетенцияларини шакллантиришнинг инновацион методик тизими»(PhD) диссертацияси иши, 2018 й., 152 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг "Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида" 1998 йил 10 июлда 185-сонли буйруғи

<sup>3</sup> Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологияларига тегишли мутахассислик фанларини ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – № 3. – Б. 219-223.

Ўқитиш масалаларига бағишланган педагогик адабиётларда методик тизим тушунчаси камдан-кам ишлатилади ва таълим концепцияси сифатида (М.В.Рыжаков), таълим модели сифатида (В.М.Жучков), ўзаро боғлиқ қисмлар мажмуи сифатида (А.М.Пышкало, Ю.С.Брановский, Т.А.Бороненко, И.Б.Готская, Е.В. Данильчук, Н.В.Кузьмина ва б), мураккаб динамик таълим сифатида (Г.Г.Хамов) каби талқин қилинади<sup>1</sup>.

“Методик тизим” тушунчасини педагогикага дастлаб А.М.Пышкало олиб кирган ва уни:

- таълим мақсади;
- таълим мазмуни;
- таълим усуллари, ташкилий шакллари ва воситаларини қамраб олган методик таъминот каби қисмларга ажратади<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тадқиқот давомида ушбу методик тизимни ишлаб чиқишимиздан кўзланган мақсад - АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш ҳисобланади.

Иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш мақсаднинг қўйилиши ва уларни амалга ошириш механизмларини тўлиқ тавсифлайди.

**Тадқиқотнинг илмий моҳияти** шундан иборатки, АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш замонавий ёндашув сифатида эътироф этилган бўлиб, бу тизим орқали иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида эса АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш жараёни.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришнинг методик тизи-

мини моделлаштириш йўналишлари ва методологик вазиятларни белгилашда, инновацион методик тизимнинг қуйидаги мақсадли, ташкилий-жараёни, педагогик шароитлар, натижавий-баҳолаш қисмларини бевосита асослашга ўтамиз.

Моделлаштиришга нисбатан тизимли ёндашув тизимни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифасини қамраб олган мақсадли қисмни белгилаб олишни талаб этади. Мақсад – бу инсон фаолияти йўналтирилган муваффақиятга олдиндан белгиланган натижанинг аниқланган тимсолидир<sup>3</sup>.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришнинг мақсади бугунги замонавий ахборотлашган жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифалар билан белгиланади. Шу билан бирга АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш фаолиятнинг ижтимоий ва касбий соҳаларида шахснинг ўзини-ўзи амалга ошириши ва ривожлантириши учун шароитлар яратишга йўналтирилган бўлиши зарур<sup>4</sup>.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш жараёнининг мазмуни, шакллари, усуллари, технологиялари ва умуман тузилишини белгиловчи тамойилларига амал қилиниши лозим.

**Тадқиқотда қўлланилган усуллар.** Тадқиқот этилаётган йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришга таянадиган энг муҳим тамойиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Онглилик ва фаоллик тамойили. Ёш авлодни табиат ва жамият ҳақида билимларини онгли суръатда ўзлаштирмагунча, уларни билимли, иқтидорли деб таъриф бера олмаймиз. Билим, малака ва кўникмаларни эса фақат қунт билан, сабот билан, шунингдек фан асосларини онгли ва фаол (актив) ўзлаштириш

<sup>1</sup> Абдуқодиров А.А., Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш назарияси ва методикаси. Монография. – Тошкент: “Navro‘z”, 2015. – 174 б

<sup>2</sup> Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологияларига тегишли мутахассислик фанларини ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – № 3. – Б. 215-220.

<sup>3</sup> Абдуқодиров А.А., Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш назарияси ва методикаси. Монография. – Тошкент: “Navro‘z”, 2015. – 174 б

<sup>4</sup> Тўраев Ботир Зокирович, «Бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари касбий компетентлигини шакллантиришнинг инновацион методик тизими» (PhD) диссертацияси иши, 2018 й., 152 б.

билан эгаллаш мумкин. Таълим жараёнида талабалар фаоллиги, даставвал, уларнинг ақлий фаолияти – тафаккур қилиш фаолиятидир. Таълимни онгли ўзлаштириш принципи, бир томондан талабаларнинг мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан, айнан шу жараён давомида талабаларнинг мустақиллик ва фаолликларининг ҳамда, мантиқий, эркин фикрлаш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни ўз ичига олади. Ўқитишда онглилик ва фаоллик даставвал, ақлий фикр қилиш фаолиятидаги аниқликка боғлиқдир. Тафаккур қилишдаги фаоллик эса, баён қилинган ўқув материаллари ёки теварак – атрофни ўраб олган объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, воқеалар устида фикр қилишдир. Фаол фикрлаш жараёнида, яъни таққослаш, ўхшатиш, анализ – синтез қилиш, абстракция ва умумлаштиришда намоён бўлади. Шунга кўра, онгли ва фаол ўзлаштиришга эришиш учун иқтидорли талабалар билан ишлаш жараёни талабаларнинг фикр қилиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

2. Тизимлилик ва изчиллик тамойили. Аънавий жиҳатдан у мантиқийлик, тадрижийлик ва изчилликнинг жуда муҳим талабларини ўз ичига олади. Ўзлаштирилган билим ёки малака олдингига таянади ёки уни давом эттиради.

Ушбу тамойилни қўллаш АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришда, ўтказиладиган тажриба доирасидаги каби, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича масъул педагоглар ва иқтидорли талабаларнинг биргалиқдаги фаолиятида юзага келадиган вазифаларни ечишда педагогик ҳодисалар ва омилларнинг тизимли таҳлил натижаларидан фойдаланиш имконини беради. Тизимлилик тамойили ўзида умумлашган тамойилни ифодалайди. У АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларида билим, кўникма ва малакани шакллантиришга, яъни билимлар тизимининг дидактик тамойилига тегишли бўлади.

Бундан кўринадики иқтидорли талабалар билан ишлашда шакланган билим, кўникма ва малака, уларнинг мантиқий алоқаси ва изчиллигида тушунчалар ва билимларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси сифатида билимлар тизимининг дидактик тамойилини

қаноатлантирса, АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

3. Фундаменталлик ва касбий йўналтирилганлик тамойили чексиз ақлзаковат ва тор ихтисосликни кўзда тутиб ўзаро муносабатини тўғри аниқлашни, тайёргарлик жараёнида, таълим натижаларида фундаменталлик ва технологик, муваффақиятли ривожланиш ҳамда махсус касбий қобилиятларни ривожлантиришни талаб қилади<sup>1</sup>.

Фундаментал фанлар негизида кўпгина умумкасбий ва ихтисослик фанлари мазмуни шаклланади. Фундаментал фанлар умумий вазиятда (фундаментал билимлар билан) касбий фаолият ҳодисалари моҳиятини таҳлил қилиш имконини беради. Фундаментал билимлар муайян билимга қараганда секинроқ эскиради.

Ҳар бир КТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлашда талабаларнинг фан таълимини касбий йўналтириш, келгусидаги касбий фаолиятда зарур бўладиган тизимли умумлашган касбий билимларни уларда шаклланишини таъминлайди.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлаш методикасини такомиллаштириш асосида фундаменталлик ва касбий йўналтирилганлик тамойиллари ётиши зарур, чунки ахборот технологиялари амалда замонавий фан, техника ва таълимнинг барча соҳаларига кириб борган, уларни билиш ва ривожлантиришни кучли воситалар билан бойитган, шунингдек инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган<sup>2</sup>.

Тамойиллар тизимида битта етакчи тизимли ташкил этилган тамойил бўлиши керак. Қолган барча тамойиллар етакчи тамойил асосида қурилади, уларни аниқлаштиради ва қўллаш шароитларини очиб беради. Тамойиллар тизими ўзаро боғлиқлик ва уларнинг бир-бирига ўтишини мустақамлайди. Тамойиллар

<sup>1</sup> Загвязинский В.И. Теория обучения: современная интерпретация: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.И. Загвязинский. – 5-е изд, стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 192 с.

<sup>2</sup> Тўраев Ботир Зокирович, «Бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари касбий компетентлигини шакллантиришнинг инновацион методик тизими»(PhD) диссертасия иши, 2018 й., 152 б.

шунчаки боғланиб қолмасдан бир-бирларини тўлдирадлар.

Фундаменталлик ва касбий йўналтирилганлик тамойили саналган тамойиллар ичида тизимли ташкил этилган ҳисобланади, чунки касбий таълим учун ушбу тамойил ўзини тизимли ташкил этилгандек намоён этади<sup>1</sup>.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштириш, албатта, иқтидорли талабаларни аниқлаш низоми ва касбий таълим мазмуни билан белгиланади. Талабаларнинг касбий тайёргарлиги мазмунини белгилаш ва амалга ошириш жараёнида асосий аҳамият ҳудудий қисмларга берилади, чунки унинг ҳисобига таълим муассасалари, sanoat, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бизнес-тузилмаларда АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларга бўлган эҳтиёж ва ҳудудий қизиқишлар тартибга солинади, шунингдек айнан талабаларнинг таълимдаги эҳтиёжлари тўлиқ қаноатлантирилади<sup>2</sup>.

Олий ўқув юртларида иқтидорли талабаларни излаш ўқишнинг дастлабки кунларидан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида амалга оширилади. Буларнинг барчаси АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларни тайёрлаш жараёнида амалга ошириладиган педагогик шароитлар ва педагогик коммуникация воситалари мажмуини ташкил этувчи талабаларнинг касбий тайёргарлиги мазмунини тўлдириб ва бойитиб боради.

Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг шакл ва услублари қуйидагилардан иборат:

- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилият имкониятларини билим олишга йўналтириш;
- талабалар қобилиятини ривожлантириш учун максимал шарт-шароитлар яратиш.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларни аниқлашда мос

равишда E-portfoliyo, лойиҳа, тест ва креативлик усулларидадан фойдаланилади.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалар билан ишлашнинг методик тизимини такомиллаштиришда воситалар муҳим роль ўйнайди.

Воситалар. Бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қуролга восита сифатида қаралади. АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалар билан ишлашнинг методик тизимида “Иқтидорли талабаларни аниқлаш” номли рисола, “Gifted\_student.uz” сайти ва TUIT LIFE мобил иловаси воситалар сифатида келтирилган.

“Иқтидорли талабаларни аниқлаш” номли рисола иқтидорли талабаларни аниқлаш методикасининг хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Ҳар бир таклиф қилинган маълумотлар зарур назарий, кўплаб мисоллар, жадваллар ва расмларни ўз ичига олади. Иқтидорли талабаларни аниқлаш методикаси номли рисолада тажрибани шакллантириш учун назарий ва амалий вазифалар бирга келади.

Рисола мактаб, профессионал таълим ва олий таълимда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими масъул ходимлари ва иқтидорли талабалар учун мўлжалланган.

Мазкур илмий тадқиқот ишида яна бир восита сифатида “Gifted\_student.uz” сайти яратилган. Webга йўналтирилган тизим асосида техника олий таълим муассасаларида АКТ йўналишида иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш жараёнини бошқаришни автоматлаштириш мумкин бўлади. Ушбу “Gifted\_student.uz” сайти бошқарув тизимида мос ҳолатда 5 та: администратор, бошқарма, деканат, студент бўлими ва бонус қисмларидан иборат. Ҳар бир бўлим ўз функцияларига эга<sup>3</sup>.

Дастурий таъминотни яратиш Web технологиялари асосида амалга оширилади. Хусусан объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари: Java, HTML5, Jqwidjets, Oracle, AJAX, SqlMapibats, Wicket каби дастурий таъминотлардан фойдаланилади.

<sup>1</sup> Загвязинский В.И. Теория обучения: современная интерпретация: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.И. Загвязинский. – 5-е изд, стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 192 с.

<sup>2</sup> Тўраев Ботир Зокирович, «Бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари касбий компетентлигини шакллантиришнинг инновацион методик тизими»(PhD) диссертасия иши, 2018 й., 152 б.

<sup>3</sup> Делов Т.Э. Иқтидорли талабаларни бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнал, ISSN 2181-6514. 2018 (№12). Тошкент- 2018 й. - Б. 3-8.



Дастурдан нафақат ахборот технологиялари йўналишидаги иқтидорли талабаларни аниқлаш ва бошқаришда балки уларни ишга жойлаштиришларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса корхона ва ташкилот раҳбарларига ҳам ўзларига керакли, етук мутахассисларни ишга қабул қилишларида самарали восита бўлиб хизмат қилади.

“TUIT LIFE” мобил иловаси -талабалар орасида иқтидорлиларни аниқлаш ва уларга яратилган кенг имкониятлар ҳақида хабардор қилиш, барча талабаларни имкониятларидан самарали фойдаланишга жалб қилиш учун ишлаб чиқилган. Ушбу иловадан исталган интилувчан талаба фойдаланиши мумкин. Ушбу мобил илова орқали иқтидорли талабалар кўплаб керакли маълумотлардан хабардор бўлишлари ва иқтидорли бўлишга интилган исталган инсон ушбу иловани ўрнатиб фойдаланиши мумкин.

АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштиришда зарур педагогик шароитларни яратиш, ушбу соҳадаги мутахассислар касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжи эканлиги қатъий таъкидланади.

Ушбу соҳадаги кадрларга нисбатан жамият эҳтиёжларининг ўзгариб бориши, уларни тайёрлашга бўлган ёндашувларда ўзгартиришларни талаб этади. Бундай шароитларда АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларни тайёрлаш самарадорлигини таъминловчи мос шароитни излаш зарур.

Олиб борилган тадқиқотлар натижа-сида ижодкорлик, рақамли технологиялардан фойдаланиш, инновацион-илмий тадқиқот лойиҳаларини бажариш ва карьера марказида фаолият юритишни қамраб оладиган педагогик шароитлар белгилаб олинди. Бундай шароитларни яратиш АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштиришни таъминлайди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги асосий педагогик шароитлар белгилаб олинди:

- ижодкорлик;
- изланувчанлик;
- касбга ижодий муносабат;

- ижодий лойиҳаларни яратиш ва иштирок этиш қобилияти;

- дастурий таъминотлар яратишда мавзу юзасидан ижодий фикрлай олиш;

- рақамли технологиялардан фойдаланиш.

Рақамли технологиялар ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиийки, бошқа соҳаларда бўлгани сингари каби рақамли технологияларни АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштиришда жорий этиш ҳам унинг фаолиятини тубдан ўзгартирмоқда. АКТ соҳасида иқтидорли талабалар бошқа йўналишлардаги иқтидорли талабаларга қараганда қуйидаги рақамли технологиялардан самарали фойдалана олишлари керак бўлади:

- сунъий интеллект;
- Big Data-катта маълумотлар базалари билан ишлаш;

- интерактив хизматлардан оқилона фойдалана олиш;

- инновацион-илмий тадқиқот лойиҳаларини бажариш;

- фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосида қабул қилинадиган, альтернатив лойиҳа таклифлари талаб қилинмайдиган илмий-тадқиқот лойиҳаларида қатнашиш<sup>1</sup>;

- “Стартап” лойиҳалар танловида ўзларининг ишланмалари билан иштирок этиш;


- лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги;

- оралиқ ва якуний ҳисоботларни таҳлил қилиш, ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилишини мониторинг қилиш ёки лойиҳаларни тугатиш;

- карьера марказида фаолият юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 133-сон қарори.

1-расм. АКТ соҳасида касб таълими йўналиши иқтидорли талабалари билан ишлашнинг методик тизими<sup>1</sup>

июнь куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишининг ёшлар сиёсатида оид вазифалар ижроси таҳлилидан келиб чиққан ҳолда барча олий таълим муассасаларида "Карьера маркази" ташкил этилиши белгилаб олинди<sup>2</sup>. Ушбу марказларда иқтидорли талабалар ўз мутахассисликлари бўйича фаолият олиб боришади ва бу орқали соҳада бўлиб турган янгиликлар, ўзгаришлар билан ҳам нафас боришади. Айнан карьера марказида талабалар лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин бўлади.

АКТ соҳасида касб таълими иқтидорли талабалари билан ишлаш методикаси ажратиб олинган тамойиллар асосида вазифалари белгиланган таълим мақсадларини қўйиш орқали босқичма-босқич амалга ошади. АКТ соҳасида касб таълими иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштириш

мазмунини амалга ошириш педагогик коммуникация таркибига кирувчи шакллар, усуллар ва технологиялар воситасида амалга оширилади.

### Хулоса.

Олиб борилган тадқиқот материалларини таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин. АКТ соҳасида касб таълими иқтидорли талабаларини аниқлаш методикасини такомиллаштириш – бу таълим жараёнида таълим олувчиларнинг тизимли қўллаб қувватлаш, келгусида соҳада етук мутахассисларни саралаб олишнинг чора ва усулидир.

### Хулосаларга таянган ҳолда амалий таклифлар.

– олий таълим муассасалари иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими масъуллари иқтидорли талабаларни аниқлашда ва уларни мақсадли тайёрлашда таклиф этилган методик тизимдан фойдаланишлари мумкин бўлади;

<sup>1</sup> Закирова Ф.М., Делов Т.Э. томонидан таклиф этилган методик тизим.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 23-июлдаги 314-сонли буйруғи

- талабаларда ўзини-ўзи бошқариш мукамал бўлишида соҳа корхоналарини жалб кўникмаларини шакллантирилади; этиш мумкин;
- иқтидорли талабаларни аниқлаш воситалари “Gifted student”, TUIT LIFE мобил иловасини – номдор стипендиялар соҳибларини танлашда онлайн саралаш дастурларидан унумли фойдаланиш зарур.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 133-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги “Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 185-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 23-июлдаги 314-сонли буйруғи.
4. Делов Т.Э. Иқтидорли талабаларни бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги “Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнал, ISSN 2181-6514. 2018 (№12). Тошкент- 2018 й. -Б. 3-8
5. Тўраев Ботир Зокирович, «Бўлажак информатика ва ахборот технологиялари мутахассислари касбий компетентлигини шакллантиришнинг инновацион методик тизими»(PhD) диссертасия иши, 2018 й., 152 б.
6. Загвязинский В.И. Теория обучения: современная интерпритация: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.И. Загвязинский. – 5-е изд, стер. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 192 с.
7. Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологияларига тегишли мутахассислик фанларини ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2014. – № 3. – Б. 219-223.
8. Абдуқодиров А.А., Тўраев Б.З. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш назарияси ва методикаси. Монография. – Тошкент: “Navro‘z”, 2015. – 174 б
9. Делов Т. Э. Иқтидорли талабаларни бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги //Современное образование (Узбекистан). – 2018. – №. 12. – С. 3-8.
10. Delov T. E. Use of world experience in identifying talented students //British View. – 2022. – Т. 7. – №. 4.
11. Delov T. E. Gender and ability //International journal of conference series on education and social sciences (Online). – 2021. – Т. 1. – №. 2.